



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 211 (10.014)

2003 ЙИЛ 30 ОКТАБРЬ

ҚИСКА сатрларда

- **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида «Ахборот технологиялари соҳасидаги касб-хунар таълимини ривожлантиришга кўмак» мавзуида кўргазмали анжуман ўтказилди.
- **ЖАҲОН** иқтисодиёти ва дипломатия университетида ташкиллаштирилган тадбир БМТ Бош ассамблеяси модели дастурининг аҳамиятига бағишланди.
- **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Дўстлик» маҳалла гузарида «Ешларнинг тиббий маданиятини оширишда оила ва маҳалла турмуш тарзининг аҳамияти» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Қизил Ярим Ой жамияти «ОИТС тўғрисида ҳақиқат. Уни бошқаларга ҳам етказ!» шиори остида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ОИТС муаммосининг матбуотда ёритилиши бўйича танлов эълон қилди.
- **ШАҲРИМИЗ** банкларининг раҳбарлари иштирокида банк тузилмалари фаолиятида банк кенгашларининг роли масаласига бағишланган тадбир уюштирилди.
- **ТОШКЕНТ** шаҳар ИИББ қошидаги ижтимоий-хукукий ёрдам марказида ташкил этилган тадбир «Тил — миллат кўзгусидир» деб номланди.
- Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз муҳбирларининг хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНING 60 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мамлакатимиз тарихи ва иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги юксак ўрни ва аҳамиятини инobatга олиб ҳамда ташкил этилганининг 60 йиллиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини кенг миқёсда нишонлаш ҳақидаги Фанлар академияси, Фан ва технологиялар маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва илмий жамоатчилиқнинг таклифлари маъқуллансин.

Юбилей санасига бағишланган тантанали мажлис 2003 йил декабрь ойининг иккинчи яр-

мида Тошкент шаҳрида ўтказилсин.

2. Юбилей тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмитанинг таркиби тасдиқлансин.

3. Ташкилий кўмита бир ҳафта муддат ичида юбилейга бағишланган тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ҳамда дастурни амалга оширишда Фанлар академиясининг Ватанимиз тараққиётига кўшган улкан тарихий ҳиссасини ифода этадиган, унинг фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратсин:

Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

УМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИГА ИЗЧИЛ ЎТИШНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРАТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси янги ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини ишга тушириш бўйича йўл қўйилган қолоқлик ва ўрта умумтаълим мактабларида ўқувчилар ўрни етарлича мувозанатли қисқартирилмаганлиги муносабати билан айрим туманларда 9-синфларнинг битирувчилари ўқишни касб-хунар коллежларида ёки умумтаълим мактабларининг 10-синфларида давом эттириш имкониятига эга эмаслиги ҳоллари мавжудлигини қайд этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини изчил, босқичма-босқич амалга ошириш, 9-синфларнинг битирувчилари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан тўлиқроқ қамраб олинишини таъмин-

лаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Куйидагилар:

9-синфларни битирувчиларни кейинчалик академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг 10-синфларида ўқитиш билан қамраб олишнинг истиқболли кўрсаткичлари;

9-синфларни битирувчилар умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфларида ўқишни давом эттиришларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом;

Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ ҲИММИЗ

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ



Мустақил дёнримизни миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, фуқаролараро ҳамжихатлик, тинчлик-осойишталик ҳукм сурган нури хонадон дея таърифласак хато қилмаймиз. Зеро унинг бағрида 130 дан зиёд турли миллат вакиллари тинчлик-тотувликда яшаб, меҳнат қилиб келмоқдалар. Юртимизда ҳар бир миллатнинг урф-одати, анъаналари, маданияти ва тилининг ривожини йўлида барча шарт-шароитлар яратилган. «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида ўтказиб келинаётган миллий-маданий марказлар фестивали ҳам халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжихатлиқни мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилмоқда.

Кеча Республика Байналмилал маданият марказида маданият ва дўстлик байрами айланаб кетган ушбу фестивалнинг шаҳар босқичи тантанали равишда бошланди. Маълумки, шаҳримизда 35 та турли миллат вакилларининг миллий-маданий марказлари фаолият юритади. Улар қошидаги бадий жамо-

аларнинг чиқишларини ҳайрат аъзолари ва томошабинларнинг холис баҳолашлари ва кўришлари учун Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарори билан ушбу фестиваль шаҳримизда бир неча кун мобайнида ўтказилади.

— Дўстлик ва қардошлик, тинчлик-осойишталик, бирдамликни тараннум этишга ба-

ғишланган фестивалимизга ташриф буюрган қардошлар, кадрдонлар, хуш келибсизлар, — деди жумладан, тадбирни очар экан Республика Байналмилал маданият маркази директори Темур Алимов. — Миллий қадриятларини тиклаши, миллатлараро ҳамкорлик ва дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамлашига хиз-

мат қилувчи, Конституциямизнинг 16 йиллик тўйига бағишланган фестивалимизда барча жамоаларга омад ва муваффақият ёр бўлсин.

Давоми 3-бетда.

XVI сарфоси

Мамлакатимизда

● Муборак Рамазон ойининг бошланиши муносабати билан хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига самимий кутловлар келиши давом этмоқда.

● Кеча Олий Мажлисида мамлакатимиз Президентини И.Каримовнинг парламентимиз IX сессиясидаги Ўзбекистон Республикасида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ҳақидаги маърузаларида баён этилган муҳим вазифалардан бири бўлган ижтимоий сиёсатни ривожлантириш масалалари бўйича тузилган кичик гуруҳнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси жамоат хавфсизлиги вазирининг ўринбосари Ян Хунъин раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг ўринбосари Х.Ибрагимов билан учрашди.

● Эндиликда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига тасдиқлаш учун юборилган барча диссертация ишлари илмий янгилиги ва ўзига хослиги бўйича электрон экспертизадан ўтказилади.

● Германия—Ўзбекистон дўстлик жамияти раиси Дақмар Херман бошчилигидаги немис мактаблари ва Бетховен номидаги гимназия ўқувчилари Бухородаги 4-мактаб ўқувчиларининг меҳмонлари бўлишди.



Жаҳонда

● АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Бағдодда амалга оширилаётган террорчилик ҳаракатларига қарамасдан халқаро ва ноҳукумат ташкилотлари Ироқни тарқатмаслигида ишонч билдирди.

● Европа Иттифоқининг Ягона ташқи сиёсат ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Хавьер Солана ЮКОС компаниясининг раҳбари М.Ходорковскийнинг хибса олиниши Россияга келгусида инвестицияларнинг кириб келишига таъсир кўрсатиши мумкинлигини билдирди.

● Афғонистоннинг Пактика шарқий вилоятидаги Шкин қишлоғи яқинида панадан туриб отилган ўқлар натижасида Марказий разведка бошқармасининг икки ходими ҳалок бўлди.

● Япония ва Жанубий Кореянинг электрон соҳаси етакчилари бўлган Sony Corp ва Samsung Electronics Co Ltd компаниялари суюқ кристалли телевизион дисплейларни ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхонани ташкил этаётганликларини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИНING 60 ЙИЛЛИГИНИ
НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

мамлакатимизда Фанлар академиясининг вужудга келиши тарихига халқимизнинг юксак илмий-ижодий тафаккури, буюк аждодларимизнинг ақл-заковати, она заминимизда қадимдан мавжуд бўлган Маъмур академияси, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийси каби илм-фан марказларида яратилган бой илмий мерос ва маданий аъёнларнинг манткий ҳосиласи, миллий тарихимизнинг табиий махсули сифатида баҳо бериш;

Фанлар академиясининг миллий ва умумбашари илм-фан хазинасига қўшган муносиб ҳиссасининг нафақат юртимизда, шу билан бирга, халқаро микёсда тан олинганлиги аниқ мисолларда кўрсатиш ва таъриб-ташвиқ қилиш;

халқимизнинг ноёб истеъдоди ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш ва юксалтиришда, ўлкаимизнинг табиий бойлиқларини ўзлаштириш, улардан эл-юрт манфаати йўлида фойдаланиш борасида Фанлар академиясининг самарали фаолият кўрсатиб келаётганини кенг ёритиш; шу даргоҳда изланиш ва тадқиқотлар олиб бориб, ўз илмий мактабларига асос солган буюк олимларимиз замонавий илм-фаннинг геология, жумладан, нефть, газ, олтин, рангли ва қимматбаҳо металллар конларини аниқлаш, уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш технологияларини яратиш, математика, ядро ва қаттиқ jismlар физикаси, астрономия, микробиология, ўсимликлар қимёси, сейсмология, фалсафа ва бошқа ихтимой фанлар каби етакчи соҳаларни, буюк ва кўҳна тарихимиз саҳифаларини, Шарқнинг бебаҳо мероси жам бўлган ноёб кўлэмаларни чуқур ўрганиш, она тилимизнинг ривожланиш қонунчилиги ва имкониятларини тадқиқ этиш, жаҳон илмий жамоатчилиги эътироф этган кўплаб кашфиёт ва янгиликлар яратиш, Ўзбекистонимизни бутун дунёга тараннум этиш йўлида фидокорона хизмат қилганини ҳар томонлама ақс эттириш;

мамлакатимиз истиқболлини белгилаб берадиган замонавий таълим-тарбия тизимининг шаклланиши Фанлар академияси ва унинг илмий-тадқиқот муассасалари фаолияти билан узвий боғлиқ эканини очиб бериш.

Шу билан бирга, бугунги кунда Фанлар академиясининг институт ва лабораторияларида олимлар жамоалари томонидан яратилган муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган юксак илмий салоҳият, халқ ҳўжралигини ривожлантиришга катта туртки берадиган айрим тадқиқот ишларининг натижалари эътибордан четда қолиб келаётганини, ишлаб чиқариш корхоналари билан етарли даражада алоқа ўрнатилмагани сабабли бу изланиш ва ихтироларни рўёбга чиқариш учун тегишли имконият тугдирилмаётганини, моддий ва ихтимой кўмак берилмаётганини холисона тан олиш ва бундай нуқсонларни бартараф этиш зарурлигини ҳам таъкидлаш лозим.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси (А.Азизхўжаев), Умумийтисодиёт комплекси (Р.Азимов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига (С.Ғуломов), Фанлар академияси (Б.Йўлдошев) билан биргаликда бир ой муддат ичида Фанлар академияси қошида юксак технологияларни яратиш ва ривожлантириш, уларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича махсус жамгарма ва унинг Ҳомийлар кенгашини тузиш ҳамда низоimini тасдиқлаш вазифаси топширилсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур жамгарманинг асосий фаолияти Ўзбекистоннинг илмий ва ишлаб чиқариш имкониятларини кўчайтиришга хизмат қиладиган замонавий, илгор технологияларни ишлаб чиқиш, улардан самарали ва оқилона фойдаланган ҳолда мавжуд маҳаллий ресурслар асосида жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган махсулотлар ва илмий ишланмалар яратиш ва уларни ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир.

5. Иктисодиёт вазирлиги (Р.Азимов), Молия вазирлиги (М.Нурмуродов), Давлат мулки қўмитаси (М.Асқаров), Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (А.Тўхтаев) ва Фанлар академияси иштирокида Академиянинг моддий базасини ўрганиб

чиқиш ва уни ривожлантириш мақсадига махсус комиссия тузилсин.

Комиссия:

икки ой муддатда Фанлар академиясининг асосий фондлари ва бошқа мол-мулкни инвентаризациядан ўтказсин, сотиладиган ва ҳисобдан чиқариладиган мол-мулкнинг рўйхатини аниқласин;

мол-мулкни сотиш ва ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ ишларни ўрнатилган тартибда амалга оширсин. Сотилган тушадиган маблағлар тўлалигича Фанлар академияси моддий-техника базасини ривожлантиришга йўналтирилсин;

Фанлар академиясининг илмий ва моддий-техника базасини мустақамлаш, уни тартибга солиш ва ривожлантириш, мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, илмий фаолият эҳтиёжлари учун тегишли лаборатория жиҳозлари ва ускуналарини сотиб олиш, бино ва иншоотларини таъмирлаш ҳамда миллий бойлигимиз ҳисобланган илмий-маданий объектлар, ноёб иншоотлар ва қурилмаганлини сақлаш ҳамда асраб-авайлаш бўйича тақдирлар тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплексида Фанлар академияси Ботаника ботаник бугунги ҳолатини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш ва уни янада ривожлантириш учун алоҳида комиссия тузиш топширилсин.

Молия вазирлиги комиссия тақдим этган ҳисоб-китоблар асосида яна шу мақсад учун 2004 йилда зарур маблағ ажратилинсин.

7. Мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жаҳият, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этилаётган, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътибори юксалиб, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олаётган ҳозирги даврда Академиянинг илм-фан тараққиётининг илмий-назарий фундаментал асосларини яратиш борасидаги роли ва ҳиссасини кўчайтириш мақсадига Фанлар академияси манфаатдор вазирликлари, идоралар ва муассасалар, кенг жамоатчилик ва мутахассислар иштирокида алоҳида дастур ишлаб чиқин ҳамда уни Академиянинг истиқболли ва йиллик илмий-тадқиқот ишлари режалари билан биргаликда кўриб чиққан ҳолда амалда жорий этиш тадбирларини белгиласин.

8. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига (Э.Ғаниев) «Ўзқспромказ»-да Ўзбекистон илм-фани эришартаган янги ютуқлар ва ишланмалар кўргазмаларини ташкил этиш ҳамда мазкур кўргазмаларни Фанлар академияси, Давлат патент идораси (О.Азимов) ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда мунтазам намойиш этиб бориш вазифаси юклатилсин.

9. «Ўзбеккино» компанияси (М.Мухаммад Дўст) бир ой муддатда Фанлар академиясининг ташкил топиши ва ривожланиши ҳамда мустақиллик йилларида фаннинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишига ва илмий-тадқиқот фаолиятини тақомиллаштиришга бағишланган ҳужжатли фильмни яратиш борасидаги ишларни якунласин ва юбилей тадбирлари доирасида унинг тақдимотини ўтказсин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига (М.Ҳазратқулов), «Ўзтелерадио» компанияси (А.Кўчимов) ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш вазифаси этилсин.

11. Юбилейга тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қўлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 50 миллион сўм ажратилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳитов ва Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВТошкент шаҳри,
2003 йил 28 октябрьЎзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИУМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-
ХУНАР ТАЪЛИМИГА ИЗЧИЛ ЎТИШНИ
ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

2004-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ишга туширишнинг аниқ йўналтирилган дастури тасдиқлансин.

2. Куйидагилар:

9-синфларнинг битирувчиларини қамраб олишнинг ва янги ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини ишга туширишнинг белгиланган истиқболли кўрсаткичлари вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича пухта ишлаб чиқилганлиги, ўзаро аниқ мувозана таштирилганлиги ҳамда 2009 йилга бориб 9-синфларни битирувчилар касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқиш билан тўлиқ қамраб олиниши;

Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 10, 11-синфларда ўқишни вақтинча давом эттиришни таъминлайдиган зарур моддий ва ўқув базага, малакали ўқитувчиларга эга бўлган туманлар ва шаҳарлар бўйича мактабларнинг аниқ сони аниқланганлиги;

умумтаълим мактабларининг 10-синфлари учун ўқув режалари ва ўқиш дастурлари академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг умумтаълим фанлари бўйича давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ қайта ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

3. Мазкур қарор билан белгиланган 9-синфларни битирувчиларни қамраб олиш параметрлари сўзсиз бажарилиши, 10-синфларга ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртига қабул қилишни таъминлаш, шунингдек академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ўз вақтида ишга тушириш учун шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларига, халқ таълими ҳудудий бошқармалари бошқлиқларига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда:

9-синфлар битирувчиларини қамраб олишнинг мазкур қарор билан тасдиқланган истиқболли кўрсаткичлари сўзсиз бажарилишини таъминласинлар;

умумтаълим мактабларининг вақтинча фаолият кўрсатаётган ўн икки-ўн биринчи синфлари фаолияти устидан назорат қилинсинлар.

9-синфнинг битирувчиси бирор шаҳар ёки туманда ўқишни бундан кейин давом эттира олмаслигининг ҳар бир ҳолати маҳаллий ҳокимият органлари томонидан дарҳол қарор қабул қилинишини талаб этувчи ташвишли ҳол сифатида қаралсин.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси 9-синфларни битирувчилар кейинчалик умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида ўқиш билан тўлиқ қамраб олиниши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин ҳамда ҳар йили 1 октябрга, янги ўқув йили бошланиши якунлари бўйича, ишларнинг жойлардаги ҳолати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирсин ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин. Мазкур талабнинг бажарилиши учун шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда:

2003/2004 ўқув йили охиригача 11-

синфлар учун янги ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқилишини тугалласин ҳамда уларни ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун тасдиқланган умумтаълим фанлари бўйича давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлаштирсин;

10-11-синфларда ўқишнинг янги ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ бўлган 11-синфлар ўқувчилари учун дарсликлар яратилиши ва нашр этилишини 2004 йил 1 августгача тугалласин.

5. Белгилансинки, умумтаълим мактабларининг 11-синфини битирувчилар олий ўқув юртигага ўқишга киришда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг битирувчилари билан тенг ҳуқуқларга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Давлат тест маркази билан биргаликда умумтаълим мактабларининг 11-синфларини, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини битирувчиларга нисбатан уларнинг тайёрлигини ва ўқиш учун республиканинг олий таълим муассасаларига қабул қилиниши масаласида ягона ёндашувга риоя этилишини таъминласин.

6. Давлат тест маркази Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда:

ҳар йили 11-синфлар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёрларлиги даражаси ва сифати мониторингини ўтказсин;

амалдаги давлат таълим стандартларини тақомиллаштириш ва республикада мажбурий таълим сифатини оширишни танқидий ўрганиб чиқсин ва белгиланган тартибда чора-тадбирлар кўрсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилишига инвестицияларнинг йиллик ҳажми кўрсатиб ўтилган ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини ишга тушириш бўйича белгиланган топшириқ сўзсиз бажарилиши назарда тутилган ҳолда республиканинг йиллик инвестиция дастурларини тузишда аниқлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

йиллик инвестиция дастурини ҳамда академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилишининг аниқ йўналтирилган рўйхатларини тузишда кўрсатиб ўтилган ўқув юртиларини биринчи навбатда қишлоқ аҳоли яшаш жойларида қуришни назарда тутсинлар;

зарурат бўлганда академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилишининг аниқ йўналтирилган дастурига уларнинг ўқувчилар билан тўлдирлишини ҳамда умумий ўрта таълимнинг 9-синфлари битирувчилари ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими бўйича уч йиллик ўқиш билан қамраб олинишини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритсинлар.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 14 августдаги 338-сон қарорининг 1, 3 ва 4-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Азизхўжаев ва Р.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВТошкент шаҳри,
2003 йил 29 октябрь

Маданият

**ЯНГИ ИЖОДИЙ
МАВСУМ**

Ўзбек халқ чолгулари оркестри тузилганига 65 йил бўлди. Эндиликда Тўхтасин Жалилов номи билан аталаётган бу севимли ижодий гуруҳ шу давр ичиде ўз фаолиятини ҳар томонлама кенг йўлга қўйди.

Унинг концерт репертуаридан ўрин олган куй ва қўшиқлар чет эл гастролларида ҳам муваффақиятли ижро қилинди. Шунингдек, оркестрнинг қатор созанда ва хонандалари фахрли мукофотлар билан тақдирланди.

Оркестр ўзининг 65-ижодий мавсумини ҳам яхши тайёргарлик билан бошлаб юборди. Махсус концерт дастуридан халқ орасида кенг оммалашган тароналар ҳам ўрин олди. «Феруз-1», «Эй ёр, хуш келибсан» каби қўшиқлар ҳам томошабинларга тақдим этилди.

**ОЛИМ
ФАОЛИЯТИГА
БАФИШЛАНДИ**

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти яна бир нуфузли нашрни адабиёт мухлисларига тақдим этди.

Шу илмий даргоҳнинг етакчи олими профессор Наим Каримов ҳақидаги библиографик кўрсаткич тўпламини босмага тайёрлашда Тошкентдаги «Турон» кутубхонаси институт билан ҳамкорлик қилди.

Янги библиографик нашрда адабиётшуноснинг ҳаёти ва илмий фаолияти билан боғлиқ саналар, тадқиқотлар, мақоланавислик намуналари ёритилди.

Сўзбоши ёзган адабиётшунос олим Озод Шарафидинов Н.Каримовнинг мамлакатимиз адабий муҳитида тугган ўрнини алоҳида кўрсатиб ўтди.

**ФОЛИБ ДЕБ
ТОПИЛДИ**

Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти томонидан чоп этилган «Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш» деб номланган дарслик мутахассислар эътиборини ўзига тортди.

У Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, республика олий ўқув юртлири жисмоний тарбия факультетлари ҳамда Олимпия ўринбосарлари коллежлари учун яхши совға бўлди.

Янги нашрда мамлакатимизда спортни ривожлантириш истиқболларига оид вазифалар ҳам белгилаб берилди. Шуниси қувонарлики, «Йилнинг энг яхши дарслик ва адабиётлари муаллифи» республика танловида бу дарслик фолиб деб топилди.

Ақбар АЛИЕВ

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Шунингдек, байрам тадбирида сўз олган Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Баҳром Қурбонов, республика Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Фаррух Зокиров, Тошкент шаҳар ҳоқими ўринбосари Рустам Қурбонов халқларимиз ўртасида қардошлик, дўстлик туйғуларини тараннум этувчи ушбу фестивал иштирокчиларига омад ва зафарлар тилади.

Сўнг сахнада Бухоро яҳудий миллий-маданият марказининг «Махшамоз» республика яҳудийлар миллий-маданият марказининг «Шалом, Тошкент» ва поляк миллий-маданият марказининг «Зажеве» болалар ва катталар ансамбллари, грек, литва, немис миллий-маданият марказларининг бадиий жамоалари катта концерт дастури намойиш қилдилар. Улар ижро этган дўстлик,



ҳамкорлик, меҳр-муҳаббат, она-Ватан, хур диёримиз Ўзбекистон ҳақидаги қўшиқлар қайси тилда янграмасин дилга бирдек яқинлиги билан томошабинлар меҳрини қозонди. Уларнинг юқори кўтаринчилигидаги чиқишларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бастакор Алишер Икромов бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

— Халқларни маданият ва санъат бирлаштириши, — дейди биз билан суҳбатда Алишер Икромов. — Турли миллат вакилларининг маданияти, урф-одатлари, дўстлик, ҳамкорликни тараннум этувчи бундай фестиваллар тез-тез ўтказилиб турилиши керак. Бадиий жамоаларнинг катта сахнага чиқиб санъат йўлидаги қўлга киритаётган ҳар бир муваффақияти республикамиз маданияти ривожига ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, деб ўйлайман. Биз қўшиқнинг ижроси, мусиканинг қанчалик тўғри танлангани, қўшиқчининг ижрочилик маҳорати баҳо берамиз. Ниятимиз иқтидорли, умидли, санъат йўлини танлаган ёшларни қўллаб-қувватлашдир.

Тадбир сўнгиде байрам қатнашчилари



рига шаҳар ҳоқимлиги ва Шайхонтохур тумани ҳоқимлигининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Республика Байналмилал маданият маркази, Тошкент шаҳар ҳоқимлиги ва туман ҳоқимликлари, шаҳар Маданият ишлари бошқармаси, «Тошкентнаво» бирлашмаси, Халқ таълими бош бошқармаси ва ўрта махсус таълим бошқармаси Бизнес маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу фестивал қардошлик, биродарлик, она-Ватанни тараннум этувчи катта байрамлар қаторидан ўрин олиши шубҳасиздир.

**Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон — умумий уйимиз»** шиори остида ўтаётган маданият ва дўстлик фестивалидан лавҳалар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Санъат

Кейинги вақтларда «Ўзбектеелефильм» студияси томонидан суратга олинган бир қатор фильмлар мухлислар эътиборини тортмоқда. Шунимазлум қиламизки, 21 октябрдан 21 ноябрга қадар Ўзбекистон телевидениесининг барча каналларида «Ўзбектеелефильм» ойлиги рўқни остида ҳужжатли, илмий-оммабоп, бадиий-публицистик фильмлар, фильм-спектакллар, «Ўзбекистон кино журнали», мусикий ва болалар учун фильмлар ҳамда дубляж қилинган фильмлар намойиш этилади.

**«ЎЗБЕКТЕЛЕФИЛЬМ»
ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ**

Бу фильмлар нафақат студиянинг бебаҳо бойлиги, балки республикамиз маданияти хазинасига қўшилган муносиб улўшдир. Сўнгги уч йил ичиде «Ўзбектеелефильм» студияси 120 та ҳужжатли, 22 та бадиий ва 180 та дубляж фильмларни тайёрлаб томошабинлар ҳукмига ҳавола этди.

— Студиянинг бугунги ижодий изланишлари марказида замондошларимиз образини яратишдек муҳим масала турибди, — дейди «Ўзбектеелефильм» студиясининг бош директори Мирзааҳмад Олимов. — Сўнгги йилларда суратга олинаётган фильмларнинг бош қаҳрамонлари ҳам Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида меҳнат қилаётган заҳматқаш инсонлардир. Ана шундай фильмлар сирасига «Абдулла Орипов», «Саққизинчи мўъжиза», «Озод Шарафидинов», «Заркентлик қаҳрамон», «Олимпни забт этган баҳодир», «Хўжамкул ва унинг шогирдлари» каби ҳужжатли фильмларни киритиш мумкин.

«Еруғлик — 1 ва 2», «Тўқинлик» каби ҳужжатли фильмлар улкан стратегик аҳамиятга молик бўлган мавзуларни қамраб олган. «Муқаддас пойтахтимиз» туркумида яратилган учта тўлик метражли фильмларда шаҳримизни ободонлаштириш, унинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ҳақида ҳикоя қилинади.

Шунимаз таъкидлаш керак, юртимизда фаолият юритаётган ўнлаб коллежлар, академик лицей, ўрта-махсус ҳунар билим юртлири, олий ўқув даргоҳлари ҳаёти акс эттирилган фильмлар студия фондида муносиб жой олмақда. Шунингдек, «Маҳалла — юрт таначи» рўқни остида фильмлар яратилмоқда.

Студия ижодкорлари томонидан суратга олинган «Меҳробдан чаён»,

«Ақбарнинг саргузаштлари», «Илон», «Еттинчи фалакдан келган овоз», «Тақдир йўллари», «Бог», «Чархпалак», «Лафз», «Увайсий» сингари қўллаб телевидион бадиий фильмлар кенг томошабинлар орасида катта шуҳрат қозонди. Болаларга бағишланган, уларнинг ҳаётини акс эттирувчи фильмлар ҳам «Ўзбектеелефильм» студиясининг олтин хазинасидан муносиб ўрин ола бошлади.

Студияда бадиий-публицистик жанрдаги фильмларга кенг ўрин берилган. «Буюк аждодларимиз», «Биз билган, билмаган тарих» рўқнидаги бир қатор фильмлар, «Миллат кайғуси», «Йўли еруғ, икболи нурафшон Ватан», сингари фильмлар орқали Мустақилликнинг шонли йилномаси яратилган.

«Ўзбекистон дурдоналари», «Ўзбек узумлари», «Шу юртининг фарзандларимиз» номли ҳужжатли фильмлар ҳам мухлисларига манзур бўлди.

Мамлакатимизда спорт соҳасига берилаётган эътибор ҳам студия фильмларида ўз аксини топмоқда. «Ватан ифтихори», «Ўзбек футболчи», «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» сингари фильмлар шулар жумласидандир.

Студияда дубляж қилинган «Рамаяна», «Кусто командасининг сув ости савҳатлари», «Камила», «Жилволанмаган Африка», «Индаба», «Қалбим чечаги» каби сериаллар шубҳасиз халқимиз қалбидан муносиб жой эгаллаган.

«Ўзбектеелефильм»да яратилган фильмлар юртимизда ўтказилган кўрик-танловларда, ўнлаб халқаро киножурналларда совринли ўринларни эгаллаб келаётгани студиянинг истиқболли порлоқ эканидан далолат бермоқда.

Гулором ҲАМИДОВА

**БЕКІЁС ҒАМХЎРЛИК
НАМУНАСИ**

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳамда Бош прокуратура томонидан қатор ишлар амалга оширилди. Фармонга асосан авф этилган маҳкумлар оиласи бағрига қайтди. Хусусан, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноят содир этган мингдан зиёд шахс жазодан озод қилинди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тегишли идоралар билан ўтказган тадбирлари натижасида уларга моддий ёрдам кўрсатилди ва аксарияти иш билан таъминланди.

А.Ҳасанов пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидан. У Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига биноан етти йилга озодликдан маҳрум этилиб, муддатнинг учдан бир қисмини ўтаб қайтган.

— Уч фарзандим бор, — дейди собиқ маҳбус. — Озодликка чиққач, ҳаётимни бутунлай янгидан бошлашга аҳд қилдим. Ойла, фарзандлари... бағрига қайтишим учун катта имконият яратган Юртбошимиздан умрбод миннатдорман.

Муассасада ўтган йиллар Ҳ.Роҳаталиевга ҳам катта сабоқ бўлди. У етти йилга озодликдан маҳрум этилиб, шундан икки йилни ўтаб бўлган эди. Президент фармони жониға оро кирди. Юртбошимизнинг ишончи, авфи уни ҳаётга янгича қарашга ўргатди. Экстремистик тўда қармоғига илинган А.Пўлатов эса яқинда жиний жазоға маҳрум этилган эди. У қилган ишидан пушаймонлигини билдиргани учун авф этилди.

— Президентимизнинг инсонпарварлик билан йўғрилган Фармони мендай осий бандаларга тўғри йўл кўрсатди. Мамлакатимиз, фуқароларимиз хавфсизлигиға таҳдид солишға уриналган ичи қора кимсалар таъсириға берилиб қолганимдан жуда-жуда афсусдаман, — дейди у. — Энди ҳалол ва тўғри яшаб, меҳнат қилиб, давлатимиз раҳбари билдирган ишончини оқламоқчиман.

**Бехзод НОРБОВЕВ,
Ўза муҳбири**

Мустақиллик шарофати билан маҳаллаларга эътибор тобора кучаймоқда. Обод ва кўркам, замонавий гузарлари билан намуна бўлаётган маҳаллаларимиз сони ортиб бормоқда. Бугун шаҳримизда 450 га яқин маҳалла фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўзида шаҳримизда ҳомийлар ёрдамида Шайхонтохур туманида жойлашган «Ипакчи» ва «Кўкча», Юнусобод туманидаги «Юнусобод» маҳалла гузарлари фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, ҳар бир маҳаллада болалар спортини ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар ўз ечимини топаётганлиги ҳам кишини қувонтиради. Бу ҳақда гап борганда шаҳримиз маҳаллаларида шу йилнинг ўзида 26 та спорт мажмуаси тўла қуриб битказилганлиги ва 41 та спорт масканлари жорий таъмирдан чиқарилганлиги айтиб ўтиш жоиз.

Бугунги кунда шаҳар маҳаллалари оқсоқолларининг 50 фоиздан ортигини олий маълумотлилар ташкил этиб, фаолларнинг кўпчилиги маошлар билан таъминланган.

Субҳидамда гулзорга кирганмисиз? Сара гуллар муаттар ҳидидан сархуш, хушхавосидан сармаст бўлиб камалак ранг турфа гуллар оралаб юрганмисиз? Ишонамизки, шундай серваз дамлар табиат шайдоси бўлган сиздек инсон ҳаётида бир эмас, бир неча бор такрорланган албатта. Энди айтинг, ўшаинданималари ҳис этгансиз-у, ҳаёлингиздан қандай ўйлар кечган? Таъбир жоиз бўлса қани энди мана шундай гўзалликнинг умри боқий бўлса, ўткинчи дунё мазмуни шундай ҳаётбахш дамларга тўлиқ бўлса, орасталик, покизалик, батартиблик хонадонларимизни тарк этмаса, ҳавас қилса арзигудек обод маҳаллаларимизга фазл бахш этиб турган гуллар уфори узоқ-узоқларга таралиб турса деган орзу-ҳавас, қутлуғ ниятлар дилингиздан кечган албатта.

Яхши ният ярим мол. Лекин дил тубидаги орзуни амалга оширувчи эса инсон, яъни сизу биз. Бунинг учун фақат истак, ҳавас бўлса бас. Хонадонларимиз янада кўркам, файзли, маҳаллаларимиз эса янада обод ва тароватли бўлади.

Дарвоқе, бугунги биз сўз юритмоқчи бўлган мавзу ҳам маҳаллалар ва уларнинг бошқарувчилари — оқсоқоллари ҳақида. Холис ният билан ёзилган ушбу мақоламизни Президентимизнинг юқоридаги фикрларга ҳамоҳанг бўлган кўйидаги сўзлари билан бошласак ўринли бўлади, деб ўйлаймиз. «Биз пок ва холис ниятлар билан яшасак, Оллоҳни доимо қалбимизда, юрагимизда сақлаб, ундан сўрасак, ишончим комилки, биздан меҳр-муруватини ҳеч қачон дариг тутмайди».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимида янграган бу чуқур маъноли сўзлар ўйлаймизки, ҳар биримизнинг қалбимиздан мустаҳкам ўрин олган албатта. Агар эсингизда бўлса Юртбошимиз ўшанда кириб келаётган 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қила туриб шундай деганди: «Авалло шуни айтиш керакки, «обод», деган сўз, «обод маҳалла» деган ибора замирида теран маъно бор. Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-баракат ҳукмирон бўлган жойларни тасаввур қилади».

Мана шу таърифнинг ўзиёқ маҳалла ҳаёти ва унинг буй-бастини рўйи рост кўрсатиб турибди. Нега деганда, ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бо-

шқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш ва турар жойларда тартиб интизомни мустаҳкамлашда ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва ҳоҳияти кундан кунга ошиб бораётганлиги бугун барчамиз юракдан ҳис этиб турибмиз.

Шу боис ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар муддати тобора яқинлашаётган ана шу кунларда маҳалла мавзусига яна бир бор қайтишни жоиз деб топдик. Шак-шубҳасиз ҳар биримизга маълумки, фуқаролар йиғинлари раисларининг ва уларнинг маслаҳатчиларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида белгиланган ваколат муддати 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида тугайди. Шу муносабат билан республикамизнинг барча вилоятларида, шаҳар ва қишлоқларида маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари янгитдан сайланади. Айни дамларда эса сайловларга қизгин тайёргарлик қўрилмоқда. Ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга эга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларни ҳал этишга қодир шахслар орасидан маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига муносиб номзодлар танланмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ҳамда шаҳар ҳокимлигининг қарорларида яна бир бор эслатиб ўтилган. Эндики гап оқсоқолликка муносиблар ичида муносибларини сайлаш ва уларни танлашда янгилашмаликда қолган.

Бизда «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деган ҳикмат бор. Агар биз бу иборанинг ҳақиқий мазмунига эътибор берадиган бўлсак, унда чуқур маъно ётганлигини англаб оламиз. Шундай экан, бугун ота-онага тенглаштирилаётган маҳаллага оқсоқолликка сайланган инсон энг аввало ўзининг қимлигини билиб олиши ва зиммасига юкланаётган ўта масъулиятли вазифани буй-баста билан тўла англаб етиши керак. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловларга жиддий эътибор берилаётганлигининг боиси ҳам ана шунда. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг кўлами нақадар кенглигини яна бир бор ҳис этамиз.

Шаҳримиз маҳаллаларида турли миллат вакиллари яшабди. Уларнинг барчаси ўзлари бугун оқсоқолликка тавсия этаётган номзодларининг қимлигини аниқ-тиниқ билишлари ва унинг сайловчилар ишончи-

ни қанчалик оқлай олиши ва чин маънода маҳалладошларининг бошини қовуштириш олиғиша ишонилари керак. Бундай ишончга эга бўлган номзод ҳеч бўлмаганда маҳалла аҳлининг 80 фоиз овозига эга бўлиши лозим. Ана шундагина у сайловчиларнинг ҳурматини қозонган бўлади ва албатта у ҳам сайловдан кейинги фаолиятини шунга яраша олиб бориши керакки, маҳалла ахли уни оқсоқолликка сайлаб янглишмаганига ишонсин.

Яна бир гап, юртимизга ташриф буюраётган хорижликларнинг ҳам маҳалла тизимига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлаётган сайловларга қизиқиши тобора ортиб бораётганлигини айтиб ўтмай иложимиз йўқ. Чунки халқимиз ва миллатимизга хос бўлган бундай кўркам ва чиройли удумга улар ҳавас билан кўз тикишмоқда. Маҳалланинг ҳаётимиздаги юксак маквеки, қонуний, ҳуқуқий асосларининг ҳар томонлама мустаҳкамлиги, унинг жамиятимиз сиёсий, иқти-

Унинг ўрни ҳар жойда билиниб турсин.

— Маҳалладошлар бирор ишни оқсоқолнинг қаттиққўллигидан ҳадиксираб бажармасин, балки унинг самимийлиги, ширинсуханлиги, ҳурмати учун бажарадиган бўлсин.

— Менимча, оқсоқолликка изланувчан, тadbиркор, қатъиятли одамларни кўпроқ кўтариш мақсадга мувофиқ бўлади.

— Албатта биргина оқсоқолнинг ўзи маҳалла тўла бошқара олмайди. Халқимизда «Елғиз отнинг чанги чиксада донги чиқмайди, деган гап бежиз айтилмайди. Шундай экан у ўз атрофига тиниб-тинчимас, ҳалол ва пок одамларни тўллаши керак.

— Оқсоқол давлат ва маҳалла манфаатини ҳимоя қила оладиган ва бошқаларни ҳам шунга сафарбар эта оладиган бўлсин. У сохта, баландпарвоз мақсадларни эмас, балки аниқ амалий вазифаларни кўзлаб иш юритиши ва

тур кетди, энг ёмони одамлар орасида пайдо бўлган келишмовчиликлар сабабли ўртадан оқибат кўтарила бошлади.

Маҳаллага замонавий раҳбар керак эди. Маҳалладошларни бу фикр узоқ ўйлантирди. Ниҳоят улар кескин тортишув ва мулоҳазалардан сўнг қатъий бир қарорга келишди... Мана тўрт йилдирки, маҳаллада тўғри танланган оқсоқолнинг самарали ишлари туфайли «Комилбод» хўжалигидан топилган даромаддан маҳалладошлар ҳам баҳраманд бўлмоқда. Хусусан, ободончилик, кам таъминланган оилаларга муруват кўрсатиш борасидаги хайрли ишлар таҳсинга лойик.

Фақат бугина эмас, маҳаллада қисқа муддатда амалга оширилган курилишлар, ободонлаштириш ва тарбиявий ишлари бугун бирма-бир санаб ўтиш қийин. Шу ўринда янгидан бунёд этилган тикув чеҳи, сар-тарошхона, новвойхона, савдо нуқталари каби 12 та ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш корхонала-

БУГУНГИ ОҚСОҚОЛ У қандай фазилатларга эга бўлмоғи лозим?



содий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми, куйи бошқариш тизими сифатида нечоғлик кучли эканлигини бугун улар ҳам тушуниб етишяпти. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, маҳалла сўзининг улугворлиги ва энди уни бошқариш осон бўлмаслиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Такрор айтмамизки, бунинг учун ҳақиқий жонкуяр, фидойи, билимдон, бугунги кун билан ҳамоҳанг қадам ташлайдиган, маҳалланинг том маънода ота-оналик вазифасини ўтайдиган даражага кўтара оладиган оқсоқоллар лозим бўлади. Шундай экан, ҳар биримизнинг фикримизда ўз-ўзидан: «Хўш, бугунги маҳалла оқсоқоли қандай фазилатларга эга бўлиши керак?» деган савол туғилиши табиий. Мана шу саволга жавоб топиш учун биз ҳамшаҳарларимиздан бир нечасига мурожаат қилдик. Қуйида уларнинг фикрларини келтирамиз.

— Оқсоқол, ҳалол, билимдон, фидойи инсон бўлиши керак.

— Ўзини ўзи бошқариш органлари олдида жамиятимиз томонидан кўйилаётган барча талабларга жавоб бера оладиган даражада етук бўлиши лозим.

— У бугунги куннинг одами сифатида ўзининг кундалик ҳаёти билан бошқаларга ўрнак бўла олсин.

— Оқсоқол одобда, маданиятда, юриш-туришда, кийинишда, муомалада барчага ибрат бўлсин.

уларни рўёбга чиқариш учун астойдил бел боғлаши керак.

— Маҳаллани ўз атрофида жиш-слаштира оладиган хусусиятга эга бўлган кишини, маҳалла юқини кўтара олади.

Юртдошларимизнинг юқорида келтирилган сўзларида бугунги кун оқсоқоли ким ва қандай хусусиятларга эга бўлиши, унинг олдида қўйиладиган вазифалар ҳамда оқсоқолнинг барча қирралари ва фазилатлари ўз аксини топган. Бу фикрларга тўла қўшилган ҳолда биз ана шу истак ва талаблардан келиб чиқиб, уларни бироз шарҳлаш мақсадида баъзи характерли мисолларни келтиришни лозим топдик. Кўпчиликнинг фикрича, оқсоқоли танлашда кўпроқ иқтидорли, серғайрат, ташаббускор ёшларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Ҳаётий тажрибалар ҳам шу фикрни тўғриликни исботлаб турибди. Мисолларга мурожаат қилайлик. Ҳамза туманида жойлашган Аҳмаджон Назаров маҳалласида кўп йиллар мобайнида жуда кўп оқсоқоллар фаолият кўрсатишган. Афсуски, уларнинг аксарияти билимсизлиги, давр талабини тўла идрок эта олмасликлари туфайли эскича услубда иш юритиб, маҳалла ҳаётига бирор ўзгариш, янгилик олиб киришолмаган. Маҳаллада ҳукм сурган буйруқбозлик, сансалорлик, ўзбошимчилик каби ҳолатлар уни муттасил қоқоқликка судради. Натижада маҳалладан пу-

рини санаб ўтиш кифоя.

Ушбу маҳаллада тadbиркорликка кенг йўл берилди. Халқ банкда маҳалланинг ҳисоб рақами очилди. Унда барча тушумлар, шу жумладан, маҳалла ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотлардан, тadbиркорликдан тушган маблағлар сақланади. Бу маблағлар эса ободончилик ишларида, маҳалла кор-хайрига, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, ногиронларга, умуман моддий ёрдамга мулҳожларга сарфланади. Ўзбек миллий анъаналарига кўра маҳалла ҳисобидан ҳар йили кўп оқсоқолларнинг суннат тўйлари ўтказилади. Ана шу маросимлар ҳам маҳалла оқсоқолининг моддий ёрдами билан ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг юксак муқофотларига сазовор бўлганлар орасида шу маҳалла оқсоқоли Собир Комиловнинг «Эл-юрт ҳурмати» орденига лойиқ деб топилганлиги ҳам юқоридаги фикрларимизни исботлаб турибди.

Яна бир мисол: «Юнусобод» маҳалласига қанча-қанча қария-фахрийлар бошчилик қилишмади дейсиз. Очиги, эл-улус ичида баобру бўлган бу ота-хонлар қўлларидан келганча маҳалла бошқаришга ҳаракат қилишди. Лекин кексаликлари туфайли маҳаллада тилга тушадиган ибратли ишларни амалга ошириш қийин кечди. Ҳатто маҳалла идораси учун бирор-

• МАҲАЛЛА — ОТА - ОНАНГ

бир бино қуришга ҳам қурбилари етмади, борига қаноат қилишди. Йиллар ўтиб маҳаллага ташаббускор, ғайратчан инсон бошчилик қилди-ю маҳалла қиёфаси тубдан ўзгарди. Бугун маҳалла шундай бир намунали гузарга эгаки, кўрган кишининг қисқа муддат ичида бундай кўркам кошонанинг бунёд этилганлигига ишонгиси келмайди.

Маҳалла оқсоқоли ҳақида гап борганда «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласининг фахрий оқсоқоли, «Эл-юрт ҳурмати» орденининг соҳиби Эгамназар Қодиров ҳақида ҳам сўз юритмай иложимиз йўқ. У узоқ йиллар турли миллат вакиллари яшайдиган кўп қаватли уйлар орасида ташкил этилган маҳаллага бошчилик қилганлиги кўпчиликка маълум.

— Ёшларга ўрин бериш керак. Уларнинг биз кексалардан кўра маҳаллага кўпроқ фойдалари тегишини ўйлашимиз керак. Ана шунда маҳалла янада обод бўлади ва шундай бўлиши ҳам лозим. Ахир бугун маҳалла оқсоқолига керак бўлган барча иззат-икромлар кўрсатилмоқда. Унга ойлик маош белгиланган, нафақат унга, балки у билан бирга ишлайдиган бир қатор хизматчилар ҳам ойлик маош билан ишлашади, — дейди Эгамназар ака.

Юртимизда саховатли инсонлар кўп. Халқимиз нафақат меҳр-оқибатли, балки элпарвар, тинчликсеварлиги билан ҳам шухрат қозонган. У меҳмондўст, бағри кенг бўлиши билан бирга, ўзи яшаётган она замин тупроғини олтинга тенг билади. Бу бежиз эмас. Характерли бир мисол. Хорижга саёҳат қилган дўстларимиз ҳамиша бизга шўро тузуми зўравонлигидан тугилган юртидан қувгин қилинган ватандошларимизни учратишганини, улар биринчи навбатда юртдошларидан бир қисим она юрт тупроғини сўрашганини айтишади. Ўзимиз шохид бўлган воқеа. Бундан тўрт йил муқаддам мактабдош дўстимизнинг тоғаси узоқ айрилиқдан сўнг она юртига келадиган бўлди. Меҳмонни аэропортда қутиб олдик. Учрашув онлари қандай ширин...

Манзилга етиб келгач, меҳмон машинадан тушиди-ю, одамлар кўз ўнгида бирдан ўзини ерга ташлади. Шақатор кўз ёшлари билан ерни ўпа кетди. Унинг қўлтиғидан тутиб кўтардик. Шунда хорижлик ватандошимиз «Ушбу тупроқдан қадамим узилгандан бери уни кўмсайман. Бир қисмини олтинга алмаштиришга тайёрман. Ниятим, агар насиб этиб она юртимга қайтсам, ўзим униб-ўсган остонан тупроғини кўзимга суртиш эди. Алхамдулиллоҳ, муродимга етдим», — деди.

Ушунда биз ана шундай табаррук замин, овоз Ватанда яшаётганимиздан ўзимизни яна бир қарра бахтиёр ҳис этдик. Бундай табаррук туп-

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ
ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳурматли оқшомхон! Биз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловлар олдида оқсоқолнинг фазилати ва унинг бурчлари ҳақида билган ва эшитганларимизни ошириб, тоширмасдан айтишга ҳаракат қилдик. Балки биз қайсидир масалада сизни тўлқинлантирган баъзи бир гапларни унутиб қолдирганимиз. Шунинг эътиборига олиб қазатамиз саҳифаларида «МАҲАЛЛА — ОТА-ОНАНГ», «МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ ҚАНДАЙ ФАЗИЛАТЛАРГА ЭГА БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ?», «СИЗ ТАНЛАЁТГАН НОМЗОД ОҚСОҚОЛЛИККА МУНОСИБМИ?» каби рунлар очдик ва шу рунлар остида мунозама мақолалар ёритиб боришни режалаштирдик. Бу мақолалар асосан сиз азиз газетхонларнинг, маҳалла фаолларининг, ҳуқуқшуносларнинг хат ва хабарларидан ташкил топади. Ўйлаймизки, бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларингизни бизга ёзиб юборасиз. Агар лозим бўлса, 133-29-33, 133-99-42 телефон рақамлари орқали ҳам мурожаат қилишингиз мумкин.

роқни кадрламаслик кўрлик эканлигини чуқур англаб етдик. Зеро, Ватан остонаси маҳалладан бошланар экан, унинг қадрига етмаслик нон-кўрлик ҳисобланади.

Маҳалла катта даргоҳ. Шундай экан, маҳаллага қўшилмай, унинг ишлари, тўй-маъракалари-ю яхши-ёмон кунларини биргалликда баҳам кўрмай юрган ҳар қандай одам эл назаридан четда қолади. Маҳалла остонасидан ўтмаган, бу қутлуғ уйни назар-писанд қилмаган одам пировард натижада яққаланиб қолади. Ўзи яшаб турган маҳаллани менсимаслик ўз оиласининг қадрига етмаслик билан баробар. Бу қутлуғ даргоҳни идора қиладиган одам эса чинакам номига муносиб бўлиши керак. У ҳар қандай ўзибўларчилик, кибру ҳаволик, мансабпарастлик, келишувчанлик, ошна-оғайнигарчилик иллатлардан ҳоли бўлиши лозим. Энди чойхонада ўтириб олиб палов-хўрлик қиладиган ўзинг билан ҳам-тўроқ кишига меҳринг жўшиб ёки меҳрибончилик қилиб лоқайдлик билан «Маҳалла оқсоқоли фалончи бўлсин», дейдиган вақт ўтди. Оқсоқолни сайлашда етти ўлчаб, бир кесиш керак.

Албатта бизда ибратли маҳаллалар, уларда фаолият кўрсатаётган намунали хотин-қизлар комиссиялари, ҳақгўй, адолатпеша оқсоқоллар истаганича топилади. Уларнинг баъзилари ҳақида биз юқорида имкон қадар қайд қилиб ўтдик. Лекин нақадар аччиқ бўлмасин, ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Бизда ҳали ҳам эски тузум услубларидан ҳоли бўла олмаётган, ҳамон ундан воз кеча олмаётган маҳалла оқсоқоллари борлигини ҳам айтишга тўғри келади. Улар ҳали ҳам эгаллаб турган лавозимларидан фойдаланиб қолиш, келишувчанлик, ошна-оғайнигарчилик кайфиятида юришибди. Фақат маҳаллада ўтадиган тўй-маросимларга бош-қош бўлишни ўзларининг бош вазифаси қилиб олганлари ҳам йўқ эмас.

Бизда адолат деган мезон, виждон деган олий ҳакам бор. Мана шу тарозунинг икки палласининг этагидан тутган оқсоқол барака топади. Бу ҳақиқатни унутиб, дийнатини ютган одам албатта хиёнатга йўл қўяди. Ҳар қандай хиёнатнинг охири эса шармандалик билан тугайди.

Хулоса қилиб айтганда, одамларнинг бошини қовуштира оладиган, маҳаллам деб яшаб, унинг ободончилиги йўлида тиниб-тинчимасган, юрт учун ўзини бахшида этган оқсоқолгина элда обрў-эътибор топади.

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲАҚИДИ
ДОМО БЎЛУҒ...

МЕХНАТ ҲАҚИДА

• Азиз фарзандлар, тиришқоқ бўлинг! Зеро, дунёдаги барча тирик нарсалар ҳаракат қилади, интилади ва шу тўғрисида ҳаётга зарур бўлган нарсаларга етишади. Ҳатто энг заиф бўлган арилар, чумолилар ва қушлар ҳам интилишда бўлиб, ёздан ташқари, кишгами ейдилар.

Сўзининг қисқаси, ҳар бир тирик жон яшаш учун ҳаракатда ва интилишдадир. Ўргимчакка назар солинг тирикчилик дардида доимо тўқиш билан овора, агар тўқининг бирор ери бузилса дарҳол таъмир этиш ва тузатишга киришади.

Барча инсоннинг биринчи вазифаси — кишининг юриш-туриши ва яшаши учун зарур бўлган ҳалол ризқ топиб, ейиш-ичишга етарли нарсани ҳосил қилиши. Бунга эса тиришқоқлик, интилиш ва меҳнат орқали етилади.

• Меҳнат — ҳар қандай бойликнинг манбаи.

• Жамиятнинг бутун бойлиги беистисно ўша жамият меҳнати билан белгиланади.

• Меҳнат бизнинг замонда буюк ҳуқуқ ва буюк бурчдир. Маданият юксаклиги доимо тўғридан тўғри меҳнатга бўлган муҳаббатда.

Бир донишманд айтади. Қилаётган ишини севишинг керак. Ана шунда меҳнат, ҳатто энг оғир меҳнат ҳам ижодга айланади.

Байт:

**Одамзоднинг
иродаси, меҳнати,
Хайратомуз ажойибот
яратув.**

• Ҳамма нарса меҳнат шарофатидандир. Ҳамма нарса — инсон меҳнатидан.

• Виждонли бажарилган ҳар қандай меҳнат фойдалидир, бинобарин, у ҳурматга лойиқ. Улуғ кишиларни меҳнат етиштилади.

• Жисмоний меҳнат нафақат ақлий фаолият имкониятини инкор этади, нафақат унинг қадрини оширибгина қолади, аксинча ақлий меҳнатни кучайтиради.

• Шон-шарафга олиб борадиган йўл — меҳнатдир.

• Меҳнатга кўниккандан кейин усиз яшаб бўлмайди. Бу дунёда ҳамма нарса меҳнат билан боғлиқ.

Байт:

**Кимгаки иш бўлди
қаноат фани,
Билги, ани қилди
қаноат гани.**

“ЎЗБЕКИСТОН”

ДАСТАСИНИНГ ҲИНДИСТОН САФАРИ

Мамлакатимизнинг таниқли “Ўзбекистон” дастаси Ҳиндистон бўйлаб ижодий сафарда бўлиб қайтди.

Ўзбек санъаткорларининг ушбу сафари Янги Деҳлидаги Камани Аудиториум маданият саройидаги концерт билан бошланди.

“Ўзбекистон” гуруҳи ўз дастурини Ҳиндистоннинг Чандигарх, Массури ва мамлакат шимолидаги Химачал Прадеш штатининг Кулу шаҳарларида ҳам намойиш этди.

Хусусан вакилларимиз Кулу шаҳрида ҳинд халқининг қадимий “Дашера” байрамининг нишонлишида ҳам иштирок этди. “Дашера” ҳиндуизм динига эътиқод қилувчи халқнинг кўҳна миллий байра-

мидир. Маҳаллий аҳоли ўз динининг тангри Рамнинг ёвуз Раван устидан мутлақ галаба қозонганини тантана қилади. “Дашера”ни эзгуликнинг ёвузлик устидан галабаси байрами дейиш ҳам мумкин.

Ушбу байрамда халқро санъат фестивалининг ўтказилиши, унда маҳаллий ва хорижий мамлакатлар ижодий жамоаларининг ўз санъатларини намойиш этиши аънамага айланган.

— Мамлакатингиз санъаткорлари ижро этган рақслардан ҳайратга тушдим. Ўзбек рақсларининг нақоси билан ижро этилиши, миллий рақс либосларининг юксак

дид ва нафосат билан тайёрлангани киши дилини завққа тўлдирди. Халқларимиз санъати ва маданияти бир-бирига қай даражада яқин эканини бугун яна бир бор ҳис қилдим, — деди тадбирда қатнашган Химачал Прадеш штати бош вазири Вирбадра Сингх.

Мамлакатимиз санъаткорларининг ушбу ижодий сафари маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Хусусан “Трибюн”, “Ҳиндустан таймс”, “Чандигарх таймс”, “Индиан экспресс” каби газеталар саҳифаларида ранг-баранг суратлар ва ахборотлар жой олди. Дастанинг маданий чиқишлари мамлакат телевидениесининг бир неча каналлари орқали намойиш этилди.

Шухрат УМИРОВ,
“Жаҳон” АА муҳбири
Деҳли.



Обод юртининг озод фарзандлари

• КЎРГАЗМАЛАР

РАССОМ,
ШОИР ВА СОЗАНДА

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида **рассом, шоир ва созанда Александр Тихонов-Корнилов ижодидан намуналар намойиш этилмоқда. Кўрғазма залларига истеъдод соҳибининг эллика яқин рангасвир ва график асарлари қўйилган.**

Рангасвир ва қаламтасвир устаси расмларини соз чалиб, мусиқа оҳанглари жўрлигида тасвирлайди, мусиқадан илҳомланиб ишлашга ўрганиб қолган, шунга одатланган. Шу орада илҳом-ҳаяжонга тўлиб шеърлар ҳам ёзади.

Республикамиз рассомларидан Баҳодир Жалолов, Муборак Йўлдошев, Рўзи Чориев, санъатшунос ва мусавир Рафаэл Тоқтошда ҳам шунга ўхшаш хусусиятлар бор.

Рангасвирда ўнлаб табиат манзараларини кўриб ва ниҳоят санъат хомийси Г.Михайлов портретини рангасвир санъатида ўта маҳорат билан ишлаганлигини кўрамиз...

Яратган асарлари билан танишиб чиққанмиздан сўнг, рассомнинг қобилияти графика-қаламтасвирда кучли эканлигини сездик. Қоп-қора сийҳда чизилган тасвирлари деярли шоир Умар Ҳайём рубоийларини эслатади. Назаримизда у Оллоҳ яратган тўрт китобни билади-ю шунга тўла амал қилади. Оламнинг яратилиши, инсон ва табиат ҳақида ҳаёл суради. Номсиз, туркум асарларини бирма-бир томоша қиламиз.

...Сайёрада бир одам пайдо бўлди. У ёлғизликдан зерикмоқда. Енига аёл киши қўшилди-ю, кайфияти яхшиланиб, дили, чеҳраси ёришди. У жуфтини топганидан ниҳоятда хурсанд. Учинчи тасвирда фарзанд туғилди. Бу ҳар нарсадан ҳам энг улуг неъмат. Ҳа, сир эмаски, булар Одам Ато ва Момо Ҳаводир. Иккиси ҳаётдан, Яратгандан мамнунлар. Рассом кейинги тўртинчи тасвирида эркакни эмас аёл кишини улуғлаб, бир эмас, уч онани тасвирлаб, уларнинг қўлларидаги чақалоқларни бир хил кўринишда акс

эттиради. Бир хил қувонч улашади. Бу билан нима демоқчи? У пайғамбар хадисларини эсламоқда. «Кимга кўпроқ яхшилик қилиш керак?» дейилганда уч саволга ҳам онанга, дейилган. Шунинг учун у она кийфасини кўрсатган. Бешинчи тасвирда она кўлида гўдак, анча эсини таниб қолган. Ота кўлида китоб, болага савод ўргатиш лозимлигини ўйламоқда. Китобни ўқимоқда. Бола дегани тийрак, зийрак бўларкан. Ота-она зиёдан (ғийбатдан эмас) сўзлайверса, китобдан гапирверса, бола албатта зиёли кишилар қаторидан ўрин оларкан. Яна бир тасвирда соз чалаётган созандалар, бошқасида хонандалар сўлим табиат қўйнида акс эттирилган...

Кўрғазма ниҳоясида муаллиф фортепиано чалаётгандаги автопортрети мусиқа оҳанглари жўрлигида чиза билибди. Александр Тихонов-Корниловнинг чизгилари деярли нота чизикларини, жўшқин дарёдек тўлқинли оҳанглари эслатиши кўпларни ҳайратга солмоқда. Автопортретида у ижод жараёнида. Самодан унга илоҳий куч қанотли бола-фаришта орқали келмоқда.

Ажойиб санъаткор ижоди билан тузукроқ танишган санъат мухлиси, у инсонларни ҳамжихатликка, яратган берган неъматлар қадрига етиш, изтироблардан воз кечиш лозимлигини уқтиради. Қариганда сабр-қаноатда иймонни бутун сақлаб, шукр қилиб яшамоқда. Рассом ўйлаган фикрларини тасвирларига сингдира олган.

Маҳмуд Рамазон АҲМАДИЙ,
санъатшунос.

АЛОҚА
ҲАМКОРЛИГИ
КУЧАЙМОҚДА

“Dedeman Silk Road Tshkent” меҳмонхонасида Осийё-Европа оптик толали алоқа линиясининг бошқарув кўмитаси ўз ишини бошлади. Ушбу анжуман “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилди.

Арманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Германия, Ўзбекистон, Украина, Тожикистон, Туркменистон, Грузия, Қозоғистон ва Туркиядан келган эллика яқин экспертлар нарх сиёсати, чегарадош ҳудудларда миллий сегментлардан фойдаланиш ва захира қилиб қўйиш, шунингдек магистралда иш сифатини таъминлаш масалалари кўриб чиқилмоқда. Ушбу анжуманда ташкилот раислиги ваколати Грузиядан Ўзбекистонга ўтади.

1993 йилнинг июнида ушбу лойиҳа иштирокчи мамлакатлари маъмурияти раҳбарлари вакилларининг Тошкентда ўтказилган мажлисида Бошқарув кўмитаси таъсис этилган. Август ойида эса Алматыда техник ва молиявий гуруҳлари барпо этилди. Лойиҳанинг асосий мақсади овоз, маълумотлар, тасвир ва бошқа ахборотларни узатишнинг юқори сифатини таъминлашдан иборат эди.

Франкфурт — Майнни — Шанхай билан боғлайдиган ушбу магистрал Хитой, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Эрон, Германия каби ўндан зиёд мамлакатлардан ўтади. Унинг умумий узунлиги 27 минг километри ташкил этади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари Хуршид Мирзааҳмедовнинг таъкидлашича, ушбу йўналиш Фарб ва Шарқ ўртасида ягона алоқа йўли ҳисобланмай, балки жиддий рақобатчи бўладиган денгиз лойиҳалари, хусусан, “Sea — We — We ҳамда FLAGлар мавжуд. Шу боис мазкур йўналиш юксак сифатга ва арзон нархларга эга бўлиши керак.

— Лойиҳанинг 1998 йил 15 октябрдаги тақдиротидан кейин видеоанжуман ташкил этиш воситасида йўналишдан фойдаланиши бошланди, — деди Х. Мирзааҳмедов. — Кейинги беш йилда Ўзбекистоннинг ўн икки вилоятида SDH шаҳарлараро транспорт тармоғи ўтказилди. Оптик толали алоқа йўналишини қўллаш тўғрисида халқро алоқа транспорт тармоғи ташкил этилдики, унинг улуши барча йўналишларнинг 55 фоизини, халқро рақамли телефон каналларининг улуши эса 84,7 фоизга етди.

“Туркпресс-пресс”

Билиб қўйган

Яхши

УЙҚУ ВА
УЙҒОҚЛИК
ҲАҚИДА

Уйқуси келмайдиган кишига сут-чўп истеъмоли қилиш яхши тадбирдир. Агар уйқудан аввал ейилган овқат ҳазм бўлганидан кейин ҳаммомга тушиб, бошдан иссиқ сув кўп қуйилса, шундай тадбир ухлаш учун яхши ёрдамчидир, оч қорин билан ухлаш ёмон ва қувватни суястиради. Қорин тўқлиги билан ва овқат қориннинг юқори қисмидан тушишдан илгартириб ухлаш ҳам ёмондир. Чунки бу ҳолатда чуқур уйқу бўлмайди, балки безовта уйқу бўлади.

Кундузги уйқу ҳам ёмондир. У рутубатлардан бўладиган касалликларни ва назла касалликларини вужудга келтиради, ранги бузади, талоқ касалини пайдо қилади, асабларни бўшатиради, кишини ланж қилади, иштаҳани пайситиради, иш ва турли иситмаларга сабаб бўлади.

Ҳаммомга тушувчилар унга астилик билан кириб, иссиқ хонада кўнгиллари беҳузур бўлгунча узоқ қолмасликлар керак. Шунда улар чиқиндиларнинг таралишидан келадиган бир ҳис сезадилар ва гавдалари овқатни талаб қилади. Кимки семирмоқчи бўлса ва у тикилма пайт бўлишига мойил бўлмаса, ҳаммомга овқатдан кейин борсин.

Кимки чиқиндиларнинг таралишини ва озишни истаса, ҳаммомга оч қорин билан бориши ва унда узоқ ўтириши керак. Кимки ўз соғлигини сақлашни назарда тутса, у меъдасидаги ва жигаридаги озиғини ҳазм қилиб, сўнгра ҳаммомга бориши лозим. Ҳаммомдан чиққач ёки ҳаммомни ўзида совуқ ичимликларни ичишдан саклашни зарур. Чунки бу вақтда бадан тешиклари очик бўлиб, совуқ бошқарувчи аъзоларнинг жавҳари томон интилади ва уларнинг қувватини сингдиради.

Соғлигини сақловчи киши ўз овқатининг асосий қисми сабзавотлар, мевалар ва булардан бошқа даво бўладиган овқатлардан бўлмаслигига аҳамият бермоғи керак. Шунинг учун овқат гўштга ўхшаш нарсалардан бўлиши, айниқса улоқ ва кўзичокларнинг гўштлиридан офат етмаган соғлом экинзордан бўлиб, ифлос нарсалардан тозаланган бугдойдан, мижозга мувофиқ ширин нарсалардан ва яхши хушбўй шаробдан иборат бўлиши лозим. Булардан бошқа нарсани даволашни ва касалликнинг олдини олиш учунгина ишлатилади. Қишда иссиқ, ёзда совуқ ёки илик (овқат) ейиш лозим. Иссиқлик ва совуқликни ҳар иккиси чидаб бўлмас даражага етмаслиги керак.

• ТУМАНЛАРДА

ТАБИАТИМИЗНИ
МУСАФФО
САҚЛАШ ЙЎЛИДА

Ҳаммамиз она табиатнинг ажралмас қисмимиз. Атрофимизда кўрк бағишлаб турган, қараганда кўзларимизни қувнатадиган яшилликларни, дов-дарахтларни, дов-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Маълумки, пойтахтимизда йил сайин атроф-муҳит, сув ва ҳавонинг мусаффо бўлишига эътибор кучайиб бормоқда. Чунки инсон саломатлиги юқоридаги омилларга бевосита боғлиқдир.

— Аслида бизнинг вазифамизга турфа гуллар, манзарали дов-дарахтлар экиб, уларни парваришlash, вақти-вақти билан уларга шакл бериш ишлари киради, — дейди Мирзо Улуғбек туман ободонлаштириш бошқармаси кўчаларзорлаштириш бўлими бошлиғи Акбар Отабеков. — Лекин шаҳримиз аҳолиси кўзда дов-дарахтлардан тўкилган ҳазонлар анчагина муаммолар келтириб чиқаришини яхши билади. Яъни, баъзи жойларда улар ҳаддан ташқари кўпайиб кетади, вақтида олиб кетилмайди. Бунинг устига аҳоли томонидан ҳазонларнинг ёқилиши ҳолатлари учраб туради... Ахир бу инсон саломатлиги учун кони зарар-ку.

Тошкент шаҳар Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан пойтахтимиздаги барча туман ҳокимликларига, ту-

манларнинг ободонлаштириш бошқармаларига жойларда бажариладиган ишлар режаси тарқатилган. Ушбу ҳужжатда атмосфера ҳавосининг ифлосланиши натижасида аҳоли ўртасида бронхит ҳамда турли аллергик касалликларнинг зўрайиши алоҳида таъкидланган. Ана шундан келиб чиқиб, туманлар ҳокимликлари ва ободонлаштириш бошқармалари жойларда дов-дарахтлар барглари — ҳазонни ёқиб, ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ҳам фаолият олиб бормоқда.

Хусусан, Мирзо Улуғбек тумани ободонлаштириш бошқармаси томонидан доимий ишлаш учун 7 та транспорт воситалари ажратилган. 3 та «ДЭУ» прессловчи машиналари, 2 та «ГАЗ-52» ва 1 та «Зил-130» русумидаги юк машиналари ҳамда 1 та шатакли трак-



тор шулар жумласидан бўлиб, улар шанба-якшанба кунлари ҳам жойлардаги ҳазонларни олиб белгиланган манзил — Ҳумоюн мавзесида қазилган чуқурликка етказадилар.

Бугунги кунда бошқарманинг 92 нафар гайрат-шижоатли ишчилари мазкур мавсумий, долзарб ишга жалб қилинган. Шунингдек, бошқармага тумандаги транспорт корхоналари, ташкилот ва муассасалари ёрдамга келмоқда. Масалан, «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти, «Авемоторс» корхонаси, 2521-автожамланмаси каби транспорт воситалари ажратиши мумкин бўлган корхоналар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Бугунги асосий масала дарахт барглари тизлик билан йиғиштириб олиш ва уларни ёқмасдан махсус чуқурларга

қўмиб чиритиш вазифасини бажаришдир. Қузги ҳазонрезги ишлари ва тадбирлари юзасидан бошқарма ходимлари билан тумандаги санитар милицияси ходимлари биргаликда мавзеларнинг аҳолиси ўртасида тушунтириш, тарғиб-бот-ташвиҳот ишларини олиб бормоқдалар.

Хуллас, ахлатларни олиб чиқиб кетиш, ҳазонларни ёқмаслик масаласи ҳозирги кунда жуда долзарб ҳисобланади. Бу каби муҳим масалаларга масъулият билан ёндашишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Агар биз она табиатимизни асрамасак, табиат ҳам бизга шафқат қилмайди. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз табиатимиз мусаффо бўлиши йўлида гайрат-шижоат кўрсатишимиз керак.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

• ҲУҚМ ЎҚИЛДИ

ОШГА ТУШГАН ОҒУ

Ичкилик азал-азалдан қораланган, унинг кишини хароб қилиши, умрига зомин бўлиши ҳақида ҳикматли сўзлар, насиҳатлар айтилган. Лекин кишилар баъзан фақат ақлга эмас, кўнгил измига ҳам бўйсуниб яшайди. Инсон кўнгли... У нималарни истамайди дейсиз.

...Кейинги пайтларда Давроннинг ишлари юришмай қолди-ю аламини ичкиликдан оладиган одат чиқарди. Аввалига оз-оз ичди, сўнгра эса меъеридан оша бошлади. Ўша кун пивохонада роса пивохўрлик қилган Даврон, бу ўтиришнинг пироварди — қотиллик билан яқун топишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Ногаҳон унинг кўзи шундоққина ёнида ўтирган етти-саккиз чоғли йигитларга тушди.

— Йигитлар, ортиқча шовқин-суронни бас қилингар, илтимос! — унинг овозида бироз таҳдид бор эди.

Аксига олиб, улфат йигитлар ҳам, Даврондан ҳам ичмаган эди. Арзимаган гап-сўз баҳона ўртада мушталаша келиб чиқди. Албатта кучлар тенг эмасди. Давронни ўласи қилиб калтаклашди. Юзи шилиниб, бурни қонаб кетган Даврон, ювиниб олиш учун «Ал-кабир» кафесига боради. Ички нафрат, боз устига кетма-кет ичилган пивонинг кучи уни бетайин қасос олишга ундарди. «Ўлдираман, битта-битта қираман», — деди у ичиди ўзига-ўзи. Алҳол, кўзи стол устидаги ёғоч сопли ошхона личоғига тушиб, кўнглини қуюндай қоплаб олган ёвуз ниятни юзга чиқариш пайти келди, деб ўйлади. Пичоқни олиб, шимининг орқасига—камарига қистириб олди.

Даврон яна пивохонага қайтиб келаётганида ҳам шу қора «ният» унга йўлдош эди. Халқимизда ҳар нарсага бир сабаб, деган нақл бор. Эҳтимол, Даврон ўша дақиқаларда яқин танишларидан бири — Собирни ҳам маст ҳолатда учратиб қолганида — мудҳиш қотиллик пойдеворида гишт қўйилмаган бўлармиди?! Хуллас, иккови қасос алангасида ичкарига одимлашди. Аммо, не холки, Давронни калтаклаган болалар пивохонани аллақачон тарк этишганди. Ичкилик асорати Давронни бир зум бўлса-да тарк этганича йўқ эди. У пивохона ёнида турган ичкига боланинг олдида борди-да:

— Мени урган болаларнинг ичиди сен ҳам бормидинг?! — деб дўқ ура кетди, уларнинг бирига. Ваҳоланки, уларнинг иккиси ҳам уруш-жанжалда қатнашган эмасди. Нохолис ишга гувоҳлик беришни истамаган Собир,

ногаҳонда оғзига келган сўз билан Давронни ҳақорат қилди. Гўё ёниб турган ўтга мисоли мой сепгандай бўлди. Яна жанжал-тўполон...

Одатда кўплаб жиноятларга қўл урган жиноятчилар сўроқ қилинганда: «Ёшлик қилибман, шайтон мени йўлдан оздирди...» — деган баҳоналарни рўқач қилиб, ўзини оқламоқчи бўлади. Даврон бир инсоннинг умрига зомин бўлаётган кезларда уни шайтон йўлдан оздирдими-йўқми бу ёғи бизга қоронғи-ю ҳар қалай ўша кун мудҳиш қотиллик содир этилди: Даврон ўртоғининг гапларига ҳам парво қилмай, Собирнинг бир неча жойига пичоқ тикиб олди... Бу манзарани ўз кўзи билан кўриш онги уйғоқ инсон учун, энг муҳими кўнглида заррача бўлса-да меҳр-шафқат бор киши учун қанчалар оғир эканлигини ўзингиз сезиб, ҳис қилиб турган бўлсангиз керак, албатта.

Ушбу жиноий иш билан боғлиқ ҳукм матнида шундай сатрларни ўқиймиз: Собирнинг «...ўлими кўкрак чап томонида кесиб санчиловчак предметдан ҳаёт учун муҳим аъзо — юракка етказилган тан жароҳати натижасида ташқи ва ички қон кетиши сабаб бўлгани аниқланган».

Даврон-ку, қилган жинояти — қотиллиги учун Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан ўн етти йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. У муқаррар жазони ўтайди... Аммо, ўн гулидан бир гули очилмаган жабрдида — Собир энди ҳеч қачон қайтиб келмайди-да.

У ичкиликнинг қурбони бўлди. Беихтиёр ҳаёлингизга донишмандлардан бирининг: «Ичкиликнинг қасофати — минг йилларга татийди», — деган ибратомуз сўзлари келди. Шундай экан ҳар биримиз кўлдан келганча, маҳалла-қўйда, жамоат жойларида юртдошларимизни бу иллатнинг фожеа эканлигидан огоҳ этиб турсак нур устига аъло нур бўлурди.

Шухрат БАКАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент
шаҳар суди раёсати котиби.
Хидирали ПАНЖИЕВ,
журналист.

ТАДБИРИЯД
КОНСЕРВАТОРИЯДА
ХОТИРА КЕЧАСИ

Инсон хотираси муқаддас, орамиздан ўтганларни эслаш, ёдга олиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Куни кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясида таниқли олим, муסיқашунос, моҳир ижрочи, бастакор, санъатшунос Абдулазиз Ҳошимовни ёдга олиб кўплаб олимлар, профессорлар, аспирантлар ва яқинлари, оила аъзолари, талабалар йиғилишди.

Абдулазиз Ҳошимовни ёдга олиб сўзга чиққан бир қатор олим ва профессорлар бу захматкаш инсоннинг ҳаёт йўли, амалга оширган ишлари ҳақида кўплаб яхши гапларни айтдилар. Санъатшунос олимнинг хайрли ишларидан бири — «Уйғур касбий муסיқа ансамбллари» китобининг яратилишидир. Бу китобда уйғур халқининг мақомлари олим томонидан ноталаштириб ёзилган. Абдулазиз ака нафақат уйғур мақомларини, балки ушбу халқ дostonлари, кўшиқлари, назариясини ҳам яхши билган ва уларни тадқиқ этишга ўзининг катта ҳиссасини қўшган.

Афсуски, бу китобнинг нашрини кўриш А.Ҳошимовга насиб қилмади. Лекин шунини айтиш керакки, ушбу китоб нафақат уйғур халқига, қолаверса биз ёшларга, келажак авлодга дастури амал бўлиб хизмат қилади.

Ҳазлидон
РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Давлат
консерваторияси
талабаси.

Спорт

ГАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Кеча «Жар» спорт мажмуи ўйингоҳида ўсмирлар ва ёшлар ўртасида футбол бўйича ўтадиган Осиё чемпионати саралаш бахсларига старт берилди. Шуниси қувончлики, ўзбекистонликлар ушбу мусобақаларни галаба билан бошлашди. Дастлаб майдонда Шри-Ланка терма жамоасига қарши ўйнаган ўзбекистонлик ўсмирлар терма жамоаси қиройли ўйин намойиш этиб, учрашувда 4:1 ҳисобида зафар қучди ва ўз муҳлисларини хурсанд қилди. Шунингдек, Ўзбекистон — Шри-Ланка ёшлар терма жамоалари ўртасидаги учрашув вакиллари-миз учун ҳам имтиҳон вази-фини ўтади. Ёшлар ўртасида ноябрь-декабрь ойларига БАА-да ўтадиган жаҳон чемпионати-га жиддий ҳозирлик кўраётган Виктор Борисов шоғирдлари рақибларидан маҳоратли экан-ликларини исботлашди ва ҳужумкор ўйин намойиш этиш-ди. Тўқсон дақиқа давомида рақиблар дарвозаси уч марта ишғол этилди. Муҳлисларга қувонч бахш этган голларни Нодир Қўзайбоев, Баҳром Умаров ва Марат Бикмаевлар йўллашди.

ТОШКАНБЎЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

31 ОКТАБРДАН Никулин цирки иштирокидаги

ЕВРО ЦИРК
Супер шоуши куйидаги томошаларни кўрсатади:

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР
Россияда хизмат кўрсатган артист Николай Тимченко раҳбарлиги остида

ПАТАГОН ДЕНГИЗ ШЕРЛАРИ
Ўргатилган хайвонларнинг қувноқ карусели айиқлар, маймунчалар, пакана отлар, эшаклар, кучуқлар

ШЕРЛАР + ЙЎЛБАРСЛАР
аттракцион кулги қироллари «СЭМ» масҳарабозлар гуруҳи Директор, бадий раҳбар — хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳром Жалилович Мажидов

Томошалар иш кунлари: соат 18.00 да.
Дам олиш кунлари: соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.
Читлатиш цирк касалларида ситилмоқда. Турли хил шаклда ҳақ тўланиши мумкин.
Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди
Маълумотлар учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-91, 144-32-23

17-сон шахар клиник касалхонаси маъмурияти, касаб ва ушма ташкилоти ва жарроҳлик бўлими жамоаси жарроҳлик бўлимининг врач-жарроҳи Лукмон Тошпўлатович Мустафоевнинг отаси
Тошпўлат МУСТАФОЕВнинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур таъзия изҳор этади.

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТ ТАҲЛИЛИ ҲИСОБОТИ

Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида БМТнинг республикамиздаги ваколатхонаси томонидан тайёрланган «Мамлакат тараққиёти таҳли-ли: Ўзбекистон» ҳисоботининг тақдимоти ўтказилди.

— «Мамлакат тараққиёти таҳли-ли»ни тайёрлаш Бирлашган Миллатлар ташкилотининг асосий фаолиятларидан бири ҳисобланади, - деди БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Ричард Конрой «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Ҳисоботлар бутун дунёда БМТ Бош котибининг ташаббуси доирасида тайёрланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ислоҳига қаратилган. «Мамлакат тараққиёт таҳ-ли-ли»ни тайёрлашда БМТ жамғармала-

ри, агентликлари бевосита мамлакатлар-нинг ҳукумати, халқаро донор ташкилот-лар ҳамда фуқаролик жамияти институт-лари иштирок этади.

Ўзбекистон тўғрисидаги мазкур ҳисо-бот мамлакатнинг муҳим соҳалари, яъни иқтисодиёт, таълим, тиббиёт, давлат бо-шқаруви ва хавфсизлик тизимини ривож-лантиришнинг муҳим жиҳатлари ва эко-логик вазият ўз аксини толган. Ҳисобот-да мамлакатимиз ютуқлари МДХ дав-

латларининг кўрсаткичлари билан таққос-ланган. Шунингдек, Ўзбекистондаги Мингйиллик декларациясида белгиланган ривожланиш соҳасидаги мақсадлар би-лан бевосита ўйун ҳолда берилган.

Таъкидлаш жоизки, ҳисоботда тўлан-ган материаллар ва статистик кўрсаткич-лар республикамизни ижтимоий-иқтисо-дий ривожлантиришга оид асосий вази-фалар ва муаммоларни янада чуқурроқ англаш, уларни ҳал этишнинг муқобил йўллари таллаш имконини беради.

Тақдимот маросимида шунингдек, Мингйиллик декларациясида белгиланган ривожланиш мақсадлари бўйича ком-панининг бошланиши ҳақида ҳам маълум қилди.

«Туркистон-пресс»

ШИРОБАХШ ҲОСИМЛИКЛАР ЁНҒОҚНИНГ ҲОСИЯТИ

Халқимиз ёнғоқни «Ҳаёт дарахти», «Лукмон дарахти» деб бежиз айтмаган. Ундан инсонлар асрлар, миллион йил-лардан бери фойдаланиб келишмоқда. Ёнғоқ инсонлар умрига-умр қўшиб, соғлиқларини яхшилайди.

Ёнғоқ (лотинча номи югланс регия) ёнғоқдошларга мансуб, бўйи 20-30 метрга етадиган дарахт. Шох-шаббалари кенг, тана-си йўғон, диаметри 1,5-2 метр ва ундан ҳам ортиқ бўлади. У узок, яъни ўрта ҳисобда 100-200 йил яшайди. Ёнғоқ 18 ёшдан - 70 ёшгача мўл ҳосил беради. Вояга етган ёнғоқ туپидан 300-350 килограмм ҳосил олиш мумкин. Дунё микросида ёнғоқнинг 40 тури мавжуд бўлиб, бизнинг Ўзбекистон ҳудудидан унинг 100 дан ортиқ навлари бор.

Ёнғоқ — ҳосиятли дарахтдир, унинг оддий кўз билан кўриб илгач бўлмас ҳужайрасидан тортиб барг, новда, мева пўсти, гули, хом ғўраси, пўчоғи, хуллас бар-часи ҳосиятлидир. Улар минг йил дардга малҳамдир. Буюк тиб олими Абу Али ибн Сино ҳам ўзининг «Тиб қонунлари» номли китобининг иккинчи жилдида ёнғоқнинг шифобахш хусусиятлари-га катта баҳо беради.

Ёнғоқнинг меваси, мағзи, ёғи ва барги халқ табобатида қадим-дан ишлатиб келинади. Мағзи-нинг таркибидаги ёғ, оқсил мод-далар, углеводлар, дармондорилар, кислоталар, маъданли туз-лар инсон организми учун энг зарур бўлган озукадир. Бир ки-лограмм ёнғоқ мағзида 550-650 граммга қадар аъло сифатли ёғ, 210 грамм оқсил, 4.05 грамм фосфор, шунингдек углеводлар мавжуд. Бу моддалар кишининг соғлигини мустаҳкамловчи ши-фобахш хусусиятга эга бўлиб, шамоллаш, хафақонлик, юрак-томир, асаб ва бод касалликларидан сақлашда фоят аҳамиятли-дир.

Юқорида ёнғоқни минг дард-га даво мўъжизавий дарахт деб айтдик. У жиғар ва буйракнинг ишлаши учун ҳам фойда бера-ди. Хитой халқ табобатида ёнғоқ мағзидан буйракдаги тошларни эритиб юборишда кенг фойдала-нилади. Англия ва Европанинг бошқа кўнгина мамлакатларида эса қандли диабет ва атеросклероз касалликларини даволашда ёнғоқ мағзи кенг қўлланилади. Халқ табобатида кўз оғримасли-ги учун гуллаганда унинг гули-дан бир неча донасини 5-6 кун давомида ютиш тавсия қилинади,

чунки ёнғоқнинг эндигина қин-дан чиққан ғўрасида С дармондо-риси, кислотали йод ва алкало-ид жуда кўп бўлади. Баҳор пай-тида ёнғоқ гулидан бир неча кун давомида бир неча донадан ютиб турилса киши бақувват бўлади. Ана шу вақтда унда С дармондо-риси айниқса кўп бўлади.

Қош, киприк, сочларнинг тўки-лиши ва оқаришининг олдини олиш учун ёнғоқ илдизи суви-ни кунига бир ош қошиқдан ич-тиш тавсия қилинади. Сочни ёнғоқ пўкагининг қайнатиб тин-дирилган сувига бўялса соч қора қўнғир ранга қиради. Тиш, милк, танглай ва умуман оғиз бўшлиғи касалликларини даволашда ёнғоқ новдаси, пўчоғи, барги, гули, пўстидан тайёрланган дори-дармонлар фойда беради. Тиш илдизлари очилиб, оғрик пайдо бўлганда оғизни ёнғоқ новдаси солиб қайнатилган су-ва чайса оғрик босилади. Ёнғоқ-нинг яна бир ҳосияти шундаки, у ташналикни қондиради. Юрак ўйноғи миокард инфаркти каби юрак-қон-томир касалликлари-нинг олдини олиш ва даволаш-да ҳам ёнғоқнинг фойдаси бор. Ангинанинг олдини олиш учун ёнғоқ ғўрасидан мураббо тайёр-лаб, кунига бир ош қошиқдан истеъмол қилинса бемор шифо топади.

Ҳа, ёнғоқ халқ табобати ва илмий тиббиётда ўрни беқийс бўлган ҳосиятли дарахтдир. Ёнғоқ наинки минг дардга даво дарахт, ундан халқ хўжалигини турли соҳаларида ҳам кенг фой-даланилади. Ёнғоқ дарахти мус-таҳкамлиги, ёрилмаслиги ва яхши жилоланиши ҳамда қўнғир ранги билан бошқа дарахт ёғоч-ларидан ажралиб туради. Ундан сифатли уй-жиҳоз буюмлари тайёрланади.

Киймати жиҳатидан тенги йўқ бу мўъжизакор дарахтнинг ҳар йили шундай ҳосиллари мўл бўлаверсин, халқимиз дастурхо-нидан ҳеч ёнғоқ аримасин, касалликлар инсонлардан йироқ бўлсин, умримиз ёнғоқдек узок бўлсин.

Марҳамат МАТВАФОЕВА,
биология фанлари номзоди.

Қаҳқаҳа

Далага борган Анвар катта сигирнинг ўсиқ шохларига қараб, холасининг ўғли Аскардан сўради:

- Сигиринг сузмайдими?
- Эртага Бўзсувга олиб борсам, сузишини ўз кўзинг билан кўрасан.

— Нега футбол майдонидаги судьяларни «ҳакам» дейми-зу, жинойятчини суд қилган судьяларни «ҳакам» демаймиз?

— Чунки, жинойятчини суд қиладиган судьянинг оғзида хуш-таги йўқ—да.

Ўқувчи:

— Ёзувчи асар қаҳрамонининг кейинги тақдирини нег-китобхон ҳужмига ҳавола этади?

Ўқитувчи:

— Асар қаҳрамонининг кейинги ҳаётини ёзувчининг ўзи билмагандан кейин шундай қилишга мажбур бўлганда.

— Ўғлинг ким бўлиб ишлайди?

— Машхур ва катта фирманинг бошлиғи.

— Намунча мактанасан? Ферма бошлиғи бўлса, чўпонлар-нинг каттакони экан—да.

— Ўғлим, уй жуда исиб кетди, газни пасайтириб қўясан-ми? — сўради ота ўғлидан.

— Дада, газни пасайтирсак ҳам, ўчирсак ҳам ўша пулни тўлаймиш, шунинг учун дераза, эшикларни очиб қўйиб ёта-веринг.

Шиддатли (реанимация) хонасига яқинда келган бемор ҳам-хонасидан сўради:

— Шифокор нега ҳар ярим соатда келиб қон босимини ўлчаб кетапти?

— Шифокорнинг ўзи парижонхотир бўлгани учун, олдин-ги ўлчагандаги сонлар эсидан чиқиб қоляпти шекилли.

Муаллим:

— Пўлат, орқангга қарамай, олдингга қараб тўғри ўтир!

— Бошқа болалар орқасига қараса индамайсиз, мени дар-ров тартибга чақирасиз?

— Чунки, қайрилган бошқа болаларни тўғрилаш қийин эмас, сен пўлат бўлганинг учун, қайрилиб қолсанг, пайвандловчи аппаратни қаердан топаман.

— Ҳозирги никоҳ тўйларида нега даврага тушган ўттиз-қирқта ёшлар турган жойидан кўзгалмай ўйнайди?

— Эркин айланиб ўйнаш учун уларда куч-қувват йўқда.



Сўзсиз сўрат
Маҳмуджон Эшонкулов чизган расм.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилими: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табақ офсет усулида босилади.
3663 нусxada босилди. Қўғоқ биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқмайди.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақам билан рўйхатга дахилган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларига почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.